



40704, Иштихон шаҳри, Иштихон ко'часи-4-уй
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

140704, г. Иштихан ул. Иштиханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2016 у.г «28» декабр

№ 2923-К

Иштихон ш.-г. Иштихан

Иштихон шаҳри Иштихон кўчаси ҳудудидан фуқаро Раббимов Турсункулга "Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси" қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Иштихон тумани "Ўртакишлоқ" ҚФЙ Арабхона кишлоғи ҳудудида жойлашган 10-сонли умумтаълим мактаби бинолари капитал реконструкция амалиёти муносабати билан бузилишга тушган фуқаро Раббимов Турсункулга тегишли савдо дўкони биноси эгаллаб турган ва фойдаланувидаги жами 960.0 кв.метр ер майдонига мутаносиб равишда Иштихон шаҳри Иштихон кўчаси ҳудудида жойлашган туман ҳокимлиги захирасидаги ўрмон хўжалиги ва кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бўш турган ер майдонидан "Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси" биносини жойлаштириш бўйича "Давархитектқурилиш" кўмитасининг 2002 йил 1 ноябрда тасдиқланган Регламентига асосан объектни жойлаштириш бўйича "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" институтидан олинган 2016 йил 9-августдаги 1-10/3116-сонли ҳулосасини, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 4 октябрдаги 1691-сонли ҳулосасини ва туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 21 декабрдаги 47-сонли далолатномасини ҳамда фуқаро Раббимов Турсункулнинг "Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси" қуриш учун ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган хатини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. "Давархитектқурилиш" кўмитасининг 2002 йил 1 ноябрда тасдиқланган Регламентига асосан объектни жойлаштириш бўйича "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" институтидан олинган 2016 йил 9-августдаги 1-10/3116-сонли ҳулосасини, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 4 октябрдаги 1691-сонли ҳулосасини маълумот учун қабул қилинсин, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси аъзоларининг 2016 йил 21 декабрдаги 47-сонли далолатномасини тасдиқлансин.

2. "Ўртакишлоқ" кишлоқ фуқаролар йиғини Арабхона кишлоғи ҳудудидаги бузилган савдо дўкони биноси эгаллаб турган ва фойдаланувидаги жами 960.0 кв.метр ер майдонига мутаносиб равишда фуқаро Раббимов Турсункулга Иштихон шаҳри Иштихон кўчаси ҳудудида жойлашган туман ҳокимлиги захирасидаги ўрмон хўжалиги ва кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бўш турган ер майдонидан "Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси" қуриш учун 630.0 (олти юз уттиз) кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Фуқаро Раббимов Турсункулга ажратилаётган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиҳа олдидан лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва қурилиш ишларини қонун бўйича белгилаб қуйилган муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ажратилган ер майдонида "Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси" қурилишини лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ажратилаётган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов